
АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН НАВБАТДАГИ ЁШЛАР КУТУБХОНАСИ БАҒДОД ТУМАНИДА ОЧИЛДИ

14 февраль - Заҳириддин Мұхаммад Бобур таваллудининг 541 йиллиги ҳамда “Халқаро китоб ҳадия қилиш куни” муносабати билан Бағдод туманининг “Бедарак” МФЙда адлия бошқармаси ташаббуси билан ёшлар учун кутубхона ўз фаолиятини бошлади. Очилиш маросимида адлия тизими масъуллари билан биргаликда маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

“Бедарак” МФЙда айни кунларда 4 минга яқин аҳолининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қиласы. Ёшлар учун кутубхонанинг бу қишлоқда очилиши уларнинг билим күникмаларини оширишда самара беради. Эндиликда қишлоқ ёшлари ахборот ресурсларидан фойдаланишда 10 км. олисда жойлашган туман марказига боришмайди.

Кутубхонадан жой олган мингдан ортиқ турли адабиётлар, 41 минг электрон кутубхона фонди ҳамда доимий интернет тармоғига уланган компьютерлардан ёшлар ва қишлоқ аҳолиси фойдаланиш ва билим күникмаларини ошириш имконияти пайдо бўлди.

Ёшлар учун кутубхоналар шу кунга қадар Фарғона ҳамда Сўх туманларида очилди. Бу каби ёшлар кутубхоналари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этилиши режалаштирилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-14 15:50:08